


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2016 йил 9 август, № 153 (6588) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ГЎЗАЛ ВА БЕТАКРОРИМСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, ЖОНИМ СЕНГА ФИДО, ЎЗБЕКИСТОНИМ!

**МАҲАЛЛА — ДЕМОКРАТИЯ КЎЗГУСИ**

Аввал хабар қилинганидек, “Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари” кўрик-танловининг ҳудудий босқичлари “Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!” шиори остида жойларда юқори савияда ўтказилди.

## Юқори билим ва илғор тажриба мактаби

Танловнинг **Жиззах вилояти** босқичида 13 фуқаролар йиғини ғолиблик учун баҳс олиб борди.

— Вилоятимиздаги 304 фуқаролар йиғини ҳудудда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, оилаларни мустаҳкамлаш, ёшларни миллий қадриятлар ҳамда она-Ватанга садоқат руҳида камолга етказиш, аҳоли бандлигини таъминлашга кўмаклашиш сингари эзгу ишларга бош-қош бўлиб келмоқда, — дейди “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бошқаруви раиси Абдумажит Саттаров. — Биргина жорий йилнинг биринчи ярмида улар томонидан ҳамкор ташкилотлар кўмагида 7 мингдан ортиқ маънавий-маърифий тадбирлар, “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури мазмун-моҳияти ҳамда аҳамиятига оид 1500 дан зиёд, “Оила — маҳалла — таълим муассасаси” ҳамкорлиги доирасида 1700 га яқин, тўй-ҳашамларни ихчам тарзда ўтказиш бўйича 2600 дан кўпроқ тарғибот тадбирлари, “Ота-оналар университетлари” томонидан 1500 га яқин машғулотлар ўтказилди.

Ҳакамлар ҳайъати хулосасига кўра, Мирзачўл туманидаги “Гулзор” қишлоқ фуқаролар йиғини жамоаси биринчи ўринни эгаллаб, республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Кўрик-танловнинг **Бухоро вилояти** босқичида алоҳида таъкидланганидек, ҳудудда 558 та фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи бўлиб, улар томонидан жойларда кенг кўламдаги ободончилик ва бунёдкорлик ишлари бажарилмоқда. Айни чоғда тинчлик ҳамда осойишталикни сақлаш, ёшларни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, шунингдек, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда уларнинг ўрни тобора ошаётир.

— Ҳудудимизда 764 оила истиқомат қилади, — дейди Олот туманидаги “Опшоқ” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ўктам Бозоров. — Фаолиятимиз давомида ёшлар тарбияси, хонадонлар тотувлиги, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратаяпмиз. Қолаверса, ҳудудни изчил ривожлантириш йўналишидаги ишларни янада кенгайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширмоқдамиз.

(Давоми 2-бетда).

## Маданий мерос объектлари муҳофазасига оид парламент эшитуви ўтказилди

“Ўзининг тарихий, маданий ва интеллектуал меросини асраб-авайлашга, бойитиш ва кўпайтиришга, шунингдек, униб-ўсиб келаётган ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга етарлича эътибор қаратмайдиган, ҳар томонлама уйғун ривожланган, мустақил фикрлайдиган, ўз қараш ва ёндашувига, гражданлик позициясига эга бўлган шахсни камол топтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўймайдиган ҳар қандай давлат ва жамият тарих ва тараққиёт йўлидан четда қолиб кетишга маҳкум эканини биз ўзимизга яхши тасаввур қилиб келганмиз ва яхши тасаввур этамиз”

**Ислом КАРИМОВ**

**ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижроси ҳақида”ги ахборотига оид парламент эшитуви ўтказилди.

Тадбир Ўзбекистон Республикасининг “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонунида белгиланган ваколатлар доирасида ташкил этилди.

Таъкидланганидек, истиқлол йилларида Ўзбекистонда маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш борасида изчил ишлар олиб борилди, ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб олинди ва амалга оширилмоқда. Бунда маданий мерос объектларини муҳофаза этишга, уларни қайта таъмирлаш-тиклаш ишларига, маданий мерос объектларини имкон қадар асл кўринишида сақлаб қолиш ҳамда умуминсоний қадриятлар билан уйғунлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Конституциямизга мувофиқ қабул қилинган “Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисида”ги, “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Архив иши тўғрисида”ги, “Музейлар тўғрисида”ги қонунлар ушбу йўналишдаги фаолиятнинг ишончли ҳуқуқий пойдевори бўлаётир.

(Давоми 2-бетда).

## Хусусийлаштириш дастури

иқтисодий имкониятларни кенгайтириш баробарида, бандлик масаласини ҳал этишга ҳам хизмат қилмоқда

Мамлакатимизда тараққиётнинг “ўзбек модели” деб ном олган стратегия асосида амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси бугун жамият ҳаётининг ҳар бир жабҳасида яққол намоён бўлмоқда. Буни истиқлолнинг 25 йиллик даври мобайнида республикамизда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш орқали кўп укладли иқтисодиётни тўлиқ шакллантириш борасида қўлга киритилаётган ютуқларимиз ҳам тасдиқлайди.

**ЖАРАЁН**

Маълумки, юртимизда хусусийлаштириш жараёни мулкни ҳақиқий мулкдорларга бериш, иқтисодий муносабатларни тубдан ўзгартириш учун реал шарт-шароитни яратиш, янги иш ўринларини ташкил этиш, иқтисодиётда кўп укладлиликни ҳамда рақобат муҳитини шакллантириш орқали давлатнинг мулкка бўлган монопол ҳуқуқини тугатиш, турли мулкчилик шаклидаги корхоналарни барпо қилишдек стратегик вазифаларни бажаришга қаратилган.

Мустақиллик йилларида бир неча босқичда ва дастурий ёндашув асосида амалга оширилган хусусийлаштириш жараёнининг асосий мақсади айни шу вазифалар ижросига қаратилди. Айниқса, унинг 2000-йилларнинг бошидан бугунги кунгача давом этаётган босқичида ёнилғи-энергетика, металлургия, кимё, енгил саноат ҳамда шу каби бошқа стратегик тармоқлардаги йирик корхоналарни чет эл инвестицияларини кенг жалб қилган ҳолда, якка лойиҳалар асосида олиб борилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мазкур босқичда хусусийлаштирилган объектлар негизида импорт ўрнини босувчи, экспортга мўлжалланган рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналар барпо этилдики, бугунги кунда улар мамлакатимизни жаҳонга танитмоқда, десак, муболаға эмас. Бу юртимизда давлат мулкини хусусийлаштириш жараёни чуқур ва пухта ўйланган, машҳур беш тамойилга асосланган тараққиёт дастурига мос равишда изчиллик билан амалга оширилганлигининг ёрқин ифодасидир.

(Давоми 3-бетда).




## Интеллектуал салоҳиятли авлод — келажагимиз таянчи

Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги — қутлуғ айём шукуҳи кезиб юрган айни дамларда истиқлолнинг ҳаётимизда тутган ўрни нақадар муҳимлигини янада теранроқ ҳис этмоқдамиз.

Юртдошларимизда кўтаринкилик ва шодмонлик кайфияти ҳукмрон, уларнинг эртанги кунга бўлган ишончи юксак. Дарҳақиқат, асрларга татигулик янгиланишлар билан ўтган чорак аср бизга ана шундай улуғ неъматни тортиқ қилди.

Истиқлол бошқа соҳаларда бўлгани каби таълим тизимида ҳам туб ислоҳотларга йўл очди. Бу борада эришган ютуқларимиз кўлами шунчалик кенгки, бу болалик йиллари собиқ иттифоқ даврида ўтган ҳар бир инсоннинг ҳавасини келтиради, ҳайратини оширади. Фарзандларимиз замонавий шарт-шароитда таълим-тарбия олаётгани, дунёдаги тенгқурлари билан барча жабҳада бемалол беллашаётгани, айниқса, қалбимизни чексиз ғурурга тўлдиради.

Бир ёдга олиб кўрайлик: мустақилликкача республикамизда илм-фан ҳамда таълим соҳасининг моддий-техника базаси, кадрлар таркиби ачинарли аҳволда бўлиб, жумладан, 1700 та мактаб биноси авария ҳолатида, яна кўплари пахса ва хом ғиштдан қурилган, мослаштирилмаган биноларда жойлашганди. Ушбу тизимни тиклаш, замон талаблари даражасига келтириш нечоғли машаққатли кечиши олдиндан маълум эди.

Ана шундай мураккаб бир шароитда, аввало, иш таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини яратишдан бошланди. Собиқ иттифоқ таркибига кирган республикалар ичида биринчилардан бўлиб 1992 йил 2 июлда “Таълим тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди.

(Давоми 2-бетда).

## Изчил ислоҳотлар самараси

Яқинда Тошкентда бўлиб ўтган I Халқаро мева-сабзавот ярмаркасига ташриф буюрган хорижлик меҳмонлар юртимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишиб, соҳада эришилган ютуқ ва натижаларни алоҳида эътироф этишди.

Энг муҳими, мазкур тадбир дунёда мамлакатимиз маҳсулотларига талаб юқори эканини кўрсатди ҳамда истиқболдаги долзарб вазифаларни белгилаб олишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида Ўзбекистон аграр саноати тубдан ўзгарди. Қишлоқ хўжалиги соҳасида мутлақо янги иқтисодий муносабатлар жорий қилиниб, фермерлик ҳаракати учун катта имкониятлар яратилди. Пировардида эса ҳозирги кунда фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 90 — 92 фоизини етказиб бериш билан бирга, қишлоқ тараққиётида етакчи кучга айланиб бораётир.

Ваҳолонки, бундан чорак аср муқаддам пахта яккаҳокимлиги, илмий асосланган алмашлаб экиш талаблари бузилганлиги, ернинг тинка-мадори қуриганлиги, сув манбаларининг имкониятлари тобора камайиб борганлиги қишлоқ хўжалигига ҳалокатли таъсир кўрсатганди. Ерларнинг ниҳоят даражада шўрланиши Ўзбекистон учун улкан экологик муаммога айланган. Ерларни оммавий суръатда ўзлаштириш, ҳатто шўрланган ва мелиорацияга яроқсиз йирик-йирик, яхлит майдонларни ишга солиш ана шундай мураккаб вазиятни вужудга келтирди. Экин майдонлари таркибида 1990 йилга қадар пахта деярли 90 фоиз майдонни эгаллаган бўлиб, дунёнинг бирорта ҳам мамлакатида пахта монополияси бу қадар авж олмаганди. Мазкур ҳолат ернинг кучсизланишига, тупроқ унумдорлиги пасайишига, унинг сув-физикавий хоссаси ёмонлашувига олиб келди. Ўзбекистонда ноорганик минерал ўғитлар, гербицидлар ҳамда пестицидларнинг қўлланиши энг юқори нормалардан ҳам бир неча баравар ортиқ эди.

(Давоми 2-бетда).






Икки юздан ортиқ давлат, 11 минг нафардан зиёд атлет ва 306 медаллар жамламаси. Бу Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтаётган XXXI ёзги Олимпия ўйинларига оид маълумот. Сўзимизни бежиз ушбу рақамлар билан бошламадик. Гап шундаки, айнан иштирокчилар ҳамда медаллар сони кўплиги бўйича мазкур мусобақа Олимпия ўйинлари тарихидаги янги рекорд натижа сифатида қайд этилди.



Анвар ИЛЁСОВ («Жаҳон» АА) олган суратлар.

## ИСТЕЪДОД, МАҲОРАТ ВА ШИЖОАТ

борасида ҳеч кимдан кам бўлмаган спортчиларимиз шарафига XXXI ёзги Олимпия ўйинларининг дастлабки кунлари Ўзбекистон байроғи икки бор баланд кўтарилди

Рақобат жуда кучли. Қатнашчилар орасида ўз йўналишида жаҳон рейтингида юқори ўринларда турадиган тажрибали спортчилар талайгина. Энди тасаввур қилиб кўринг, мана шундай шароитда совриндор бўлиш осонми? Албатта, йўқ. Лекин Ўзбекистон фарзандлари эришиш қийин бўлган марраларни ҳам эгаллаб, ҳеч кимдан кам эмасликларини исботлашаяпти. “Рио — 2016”нинг дастлабки кунларидаёқ икки нафар дзюдочимиз — Диёрбек Ўрозбоев ва Ришод Собиров бронза медалларни қўлга киритиб, делегациямиз аъзолари ушбу йирик спорт анжуманига шунчаки иштирокчи сифатида эмас, балки янада юксак натижаларни кўзлаб ташриф буюрганини яққол намойиш қилишди. Бу хушхабар тафсилотларига ўтишдан аввал XXXI ёзги Олимпия ўйинларининг очилиш маросими хусусида қисқача тўхталсак. Зеро, мазкур тадбирнинг ҳам ҳар бир мамлакат вакилига алоҳида фахр бағишлайдиган жиҳатлари бор.

Мусобақанинг очилиш маросими Рио-де-Жанейродаги “Маракана” стадионида ўтказилди. Байрамона безатилган стадионда мезбон давлатнинг ўзига хос тарихи, миллий анъаналари, театрлаштирилган саҳна кўринишлари ҳамда санъат усталарининг чиқишлари намойиш этилди.

(Давоми 4-бетда).

# Маданий мерос объектлари муҳофазасига оид парламент эшитуви ўтказилди



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

ЮНЕСКО шафелигида Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги, Қарши ҳамда Шаҳрисабз шаҳарларининг 2700 йиллиги, Хива, Бухоро ва Термиз шаҳарларининг 2500 йиллиги, Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги, Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги халқаро миқёсда нишонланди. Бу эса ўзбек халқининг тарихий-маданий мероси умумжаҳон аҳамиятига молик эканлигининг яққол эътирофи бўлди.

Самарқанд, Бухоро, Хива ҳамда Шаҳрисабз шаҳарлари муҳофаза этиладиган тарихий ёдгорликлар сифатида, Наврўз халқ байрами, Бойсун маданий муҳити, миллий мусиқа санъати — Катта ашула, Шашмақом, миллий ҳажв санъати — Аския эса номоддий маданий мерос объектлари сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилган.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги қарори билан тасдиқланган 2010 — 2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш давлат дастурини амалга оширишда масъул ташкилот сифатида иштирок этмоқда.

Юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этиши устидан давлат назорати амалга оширилаяпти. Давлат бошқаруви органларининг маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш, маданий мерос объектларини аниқлаш, ҳисобга олиш, муҳофаза этиш, оммалаштириш ва улардан фойдаланиш, шунингдек, уларни тарихий-маданий экспертизадан ўтказиш масалаларига доир фаолиятини мувофиқлаштириш ишлари олиб борилаётир.

Шу билан бирга, парламент эшитуви жараёнида депутатлар маданий мерос объектларини инвентаризациядан ўтказиш, паспортларини тайёрлаш, уларнинг чегараларини белгилаш, муҳофаза ҳамда реставрация қилиш, ўрганиш ва тарғиб этиш масалаларида ечимини кутаётган муаммолар мавжудлигига эътибор қаратдилар.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан маданий мерос объектларини аниқлаш ҳамда ҳисобга олиш ишларини яхшилаш талаб қилиниши, музейлар, архивлар, кутубхоналарда ва бошқа жойларда сақланаётган, маданий мерос объекти белгиларига эга бўлган экспонатлар, коллекциялар ҳамда архив ҳужжатларининг тўлиқ тоифалаштирилган рўйхатини тузиш зарурлиги ҳам таъкидланди.

Парламент эшитувида сиёсий партиялар фракциялари ва Экоҳаракат депутатлар гуруҳи ўзларининг дастурий вазифаларидан келиб чиқиб, муҳокама этилаётган масала юзасидан нуқтаи назарларини баён қилдилар.

Жумладан, **Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан** сайланган депутатлар мавжуд моддий маданий мерос объектларини асраш чора-тадбирларини амалга ошириш, уларни консервациялаш, тузатиш, таъмирлаш, ҳозирги замонда фойдаланишга мослаштириш ҳамда келажак авлодга етказишда жамоатчилик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ролини ошириш муҳим аҳамият касб этишига урғу бердилар.

**Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси** аъзолари мутасадди ташкилотлар томонидан моддий маданий мерос объектлари давлат кадастри юритилишини якунига етказишни тезлаштириш, музейлар, архивлар, кутубхоналар ҳамда бошқа сақлаш жойларидаги мавжуд маданий мерос бойликларининг умумий рўйхатини тузиш, уларни кадастр рўйхатига киритиш ишларини амалга ошириш, Умумжаҳон маданий мерос рўйхатига ва Инсоният номоддий маданий меросининг репрезентатив рўйхатига мамлакатимиздаги маданий мерос объектларининг киритилиши юзасидан стратегик аҳамиятга эга бўлган аниқ чора-тадбирлар кўрилиши кераклигини таъкидладилар.

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси** вакиллари Қонун ижроси доирасида маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, ундан фойдаланиш борасида рўёбга чиқарилган ишларни қайд этган ҳолда, асосий эътиборни бой маданий ҳамда номоддий меросимиздан ёш авлодни тарбиялаш воситаси сифатида фойдаланиш вазифаларига қаратдилар.

**Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси** маданий мерос объектлари соҳасидаги қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, қонуности ҳужжатларини ўз вақтида қабул қилиш ҳамда амалга ошириш борасидаги муаммоларни бартараф этиш ҳақидаги фикрларни баён қилдилар.

**Экоҳаракат депутатлар гуруҳи** эса қадимий тарихий обидаларни, шу жумладан, архитектура обидаларининг ёғочли конструкцияларини, ноёб кўҳна дарахтлар ва бошқа табиий обидаларни сақлаб қолишнинг экологик хавфсиз услубларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий қилишни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратдилар.

Парламент эшитуви якунлари бўйича мутасадди идораларга “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонун ижроси самарадорлигини янада ошириш учун зарур бўлган қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, шунингдек, ушбу Қонун ижросини таъминлашда парламент ҳамда депутатлик назоратини кучайтириш юзасидан таклиф ва тавсияларни ўз ичига олган қарор қабул қилинди.

**Қобил ХИДИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Юқори билим ва илғор тажриба мактаби

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бу борада бизга мазкур кўрик-танлов жараёнида ўрганган билимларимиз ва илғор иш тажрибалари қўл келади.

Танловда 13 та фуқаролар йиғини жамоаси учта шарт асосида беллашди. Шу жараёнда улар маҳаллаларда миллий қадриятларни кенг тарғиб этиш, “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури ижроси ҳамда ҳудудда тадбиркорликни ривожлантириш каби йўналишлардаги тажрибаларини ўртоқлашишди. Якунда Ғиждувон туманидаги “Хатча” маҳалла фуқаролар йиғини ғолиб чиқди.

Қарши шаҳрида ўтказилган танловнинг **Қашқадарё вилояти** босқичида юртимизда “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” тамойили асосида фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида изчил ислоҳотлар олиб борилаётгани қайд этилди. Янгиланишлар жараёнида халқимизнинг бой тарихий тажрибаларини ўзида мужассамлаштирган маҳалла институтининг фаол иштироки тобора кенгайиб бораётгани, айниқса, эътиборга моликдир. Хусусан, маҳаллалар миллий ва умуминсоний қадриятлар — дўстона қўшничилик ҳамда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибатни мустаҳкамлаш, ёрдамга муҳтож кишиларга ғамхўрлик кўрсатиш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида ўзини тўлиқ намоён қилмоқда.

Танловда қатнашган 14 маҳалла фуқаролар йиғинининг ана шу йўналишлардаги фаолияти ҳакамлар томонидан таҳлил этиб чиқилди.

Якунда Қарши шаҳридаги “Хонтепа” маҳалла фуқаролар йиғини энг намунали, деб топилди.

Кўрик-танловнинг **Тошкент вилояти** босқичи Қибрай туманидаги “Дўрмон” маданият саройида бўлиб ўтди. Унда қуйи босқичларда энг яхши натижаларни қўлга киритган 18 фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ғолиблик учун баҳс олиб борди.

Якунда барча шарт бўйича энг юқори балл тўплаган Зангиота туманининг Форобий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини муваффақият қозонди.

— Бу танлов билим ва тажриба алмашиш мактаби вазифасини ўтади, деб айтиш мумкин, — дейди ғолиб маҳалла фуқаролар йиғини раиси Улуғбек Мўминжонов. — Хусусан, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги ҳамда “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги қонунларнинг мазмун-моҳияти билан боғлиқ билимимизни янада мустаҳкамлаш имконига эга бўлдик. Айни чоғда энг намунали маҳаллаларнинг ижобий иш тажрибаси билан ўртоқлашдик. Бу эса келгусида фаолиятимизни янада кучайтиришда айни муддаодир.

Бугун **Навоий вилояти**даги мавжуд 343 та фуқаролар йиғини ислоҳотлар жараёнида фаол қатнашмоқда. Буни жойларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, оилаларни мустаҳкамлаш ҳамда ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, тадбиркорликни кенг ривожлантиришга кўмаклашиш, миллий қадриятларни келгуси авлодларга асл ҳолида етказишга қаратилган эзгу амаллар мисолида ҳам кўриш мумкин. Айни пайтда 12 фуқаролар йиғинининг янги хизмат биноси ва маҳаллаларда 55 та гўзаллик салонини мустақиллик байрами арафасида ишга тушириш чоралари кўрилаяпти.

Танловнинг вилоят босқичида 10 та фуқаролар йиғини вакилларининг иш фаолияти ўрганилди, айни чоғда уларнинг зукколиги синовдан ўтказилди. Айниқса, “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури ижроси доирасида эришган ютуқлари, илғор тажрибалари қонунийлик, ошкоралик, адолат ҳамда тенглик тамойиллари асосида баҳоланди. Шунингдек, улардаги асосий фаолият йўналишлари бўйича жамоатчилик комиссиялари, йиғинларда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича ташкил этилган маслаҳат марказлари, “Ота-оналар университетлари” фаолиятини самарали йўлга қўйиш, “Оила — маҳалла — таълим муассасаси” ҳамкорлиги доирасида амалга оширган ишлари ҳакамларнинг диққат-эътиборида бўлди.

Пировардида Навоий шаҳридаги “Бунёдкор” маҳалла фуқаролар йиғини биринчи ўринга муносиб, деб топилди.

— Маҳалламиз йилдан-йилга обод бўлиб бораяпти, — дейди ғолибликка эришган маҳалла фуқаролар йиғини раиси Эркин Наврўзов. — Аҳоли турмуш фаровонлиги ҳам шунга мос равишда юксалмоқда. Танловдаги иштирокимиз чоғида йиғинимизда фаоллар ёрдамида амалга ошираётган ишларимиз хусусида фахр билан сўзлаб бердик. Улар ҳакамлар ҳайъати томонидан ўз эътирофини топганидан жудаям мамнунмиз. Айни чоғда бу зиммамиздаги маъсулиятни янада оширади.

Тадбирлар доирасида фуқаролар йиғинлари ҳаётидан ҳикоя қилувчи фотоальбом, плакат ва стендлар ҳамда ҳунармандлик ишлари, миллий либослардан таркиб топган кўргазмалар ҳам ташкиллаштирилди.

Ғолиблар диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

“Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари” кўрик-танловининг ҳудудий босқичлари якунланди. Уларнинг ғолиблари келгуси ҳафтада ўтказилиши режалаштирилган республика босқичида қатнашади.

Айни кунларда танловнинг якуний босқичини Самарқанд шаҳрида юқори савияда ташкил қилиш ҳамда ўтказиш юзасидан қизғин тайёргарлик ишлари олиб борилаяпти. Мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан ҳудудларда амалга оширилаётган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ва тарғибот-ташвиқот ишлари билан бир пайтда ўтказилаётган ушбу танлов уларга янада байрамона шукуҳ бағишлаши, шубҳасиз.

**«Халқ сўзи» мухбирлари материаллари асосида тайёрланди.**

# Интеллектуал салоҳиятли авлод — келажагимиз таянчи

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Соҳага оид қонун ҳужжатларида таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойиллари, таълим тизими, унинг бошқарув таркиби, педагогик ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, бурч ҳамда мажбуриятлари аниқ белгилаб берилди.

Мазкур ҳуқуқий асосларга таянган ҳолда, таълим тизимида собиқ тузумдан қолган асоратлар босқичма-босқич бартараф этилди. Яъни 1996/1997 йилларга келиб, тизимдаги жиддий камчиликларни бартараф қилиш ва уни тубдан ислоҳ этиш бўйича муҳим дастурий ҳужжатлар қабул қилиш лозимлиги кун тартибига чиқди. 1997 йилда таълим соҳасидаги ислоҳотларни такомиллаштириш билан боғлиқ жуда долзарб ҳуқуқий ҳужжатлар: “Таълим тўғрисида”ги Қонун (янги таҳрири) ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда турли мамлакатлар бизнинг бу борадаги тажрибамизни катта қизиқиш билан ўрганмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида мамлакатимизда “9+3” схемаси бўйича 12 йиллик мажбурий бепул таълим тизими жорий этилди. Шу орқали умумтаълим мактабидаги 9 йиллик ўқишдан сўнг ўқувчилар кейинги 3 йил давомида ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда таҳсил олиш имкониятига эга бўлди.

Ўтган давр мобайнида мазкур дастур ҳамда унинг узвий давоми бўлган, 2004 йили қабул қилинган Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури амалга оширилди. Натижада қарийб 10 мингта умумтаълим мактаби, 300 га яқин болалар мусиқа ва санъат мактаби, 1600 га яқин академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежи янгитдан барпо этилгани ва реконструкция қилингани, 1900 тадан зиёд болалар спорт иншоотлари қурилиб фойдаланишга топширилгани ҳамда замонавий асосда жиҳозлангани, ҳеч шубҳасиз, юқорида тилга олинган сўз ва иш бирлигининг амалдаги ёрқин ифодаси бўлди, десак, айни ҳақиқатдир.

Истиқлол йилларида олис ҳудудларда жойлашган мактабларга ҳам катта эътибор қаратилгани боис шаҳар ҳамда қишлоқ мактаблари ўртасидаги тафовут барҳам топди. Айниқса, ўқув дарсликлари билан таъминлаш даражаси изчил йўлга қўйилгани, Давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқ, ўқув фанлари бўйича мультимедиа дастурий воситалари яратилиб, таълим жараёнига жорий этилаётгани эътиборга молик. Мустақилликка қадар битта дарслик бир неча йиллар давомида қўлдан-қўлга ўтган бўлса, ҳозирги вақтда ҳар икки ва тўрт йилда дарсликларни янгилаш тартиби жорий қилинди.

Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, истиқлолимизнинг илк йилида мактаб ўқувчиларининг дарсликлар билан таъминланиши 55,4 фоизни ташкил этган эди. Бугунги кунда бу кўрсаткич деярли юз фоизга етди. Биринчи синф ўқувчиларига ҳар йили 12 хил ўқув қуроли билан бирга, барча дарслик Президент совғаси сифатида бепул тақдим қилиниши анъанага айлангани келажак авлод вакилларига кўрсатилаётган юксак ғамхўрлик намунасидир.

Соҳадаги туб ислоҳотлар самараларини олий таълим тизимида кўриш, кузатиш мумкин. Хусусан, 1996 йилда ишлаб чиқилган Олий таълимни ривожлантириш концепцияси, 2011 — 2016 йилларда Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича дастур ёхуд шу сингари ўндан ортиқ ҳуқуқий ҳужжатлар таълим ривожи ҳамда ижтимоий ҳаётимизда туб бурилиш ясади.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, бугун замонавий билим ва касб-ҳунарга эга, мустақил фикрлайдиган, мамлакатимизнинг эртанги куни учун масъулиятни зиммасига олишга қодир янги авлод шаклланмоқда. Бу жойларда сайловчилар билан бўлиб ўтаётган амалий мулоқотлар, учрашув ҳамда турли тадбирларда аҳоли, айниқса, ёшлар томонидан билдирилаётган фикр-мулоҳазаларда ҳам яққол ифодасини топаяпти. Энг асосийси, навқирон авлод вакилларида демократик давлат қуриш, ривожланган мамлакатлар қаторидан жой эгаллашдек олий мақсад сари интилиш кўзга ташланаётир.

Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган ҳолда, таълим соҳасига оид қонунчиликнинг жойлардаги ижроси устидан парламент назоратини ўрнатиш, ундаги бўшлиқларни, ишламаётган нормаларни аниқлаш ва бартараф этиш, бу борада халқаро тажрибанинг ўзимизга мос жиҳатларини ўрганиш биз, депутатлар олдидаги муҳим вазифалардан ҳисобланади. Зеро, ёш авлоднинг баркамол инсон бўлиб улғайиши юртимизнинг янада равнақ топиши ҳамда гуллаб-яшнашига хизмат қилади.

**Алишер ШАДМАНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси.**

# Изчил ислоҳотлар самараси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Улар тупроқни, дарё, кўл, ер ости ва ичимлик сувларини ифлослантирди. Алмисоқдан қолган техника ҳамда асбоблар билан жиҳозланган сув хўжалиги иншоотлари эса фақат ва фақат зарарига ишлар, экологик вазиятга салбий таъсир кўрсатишда давом этарди.

Мустақилликка эришишимиз билан соҳадаги ҳалокатли вазиятнинг олдини олиш, аграр ҳамда сув хўжалигини, аввало, халқимизнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминловчи омил сифатида олишда муҳим омил бўлаётир.

Хусусан, 2013 — 2017 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича комплекс чора-тадбирларга доир давлат дастурига мувофиқ, тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликнинг пасайишига таъсир кўрсатувчи омилларга барҳам бериш учун кенг кўламли ишлар бажарилмоқда. Ҳозирги пайтгача 800 минг гектардан ортиқ суғориладиган майдонларда ер ости сизот сувлари сатҳини меъёр даражасида сақлаш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда барқарорлигини таъминлашга эришилди.

Маълумки, қишлоқ хўжалигининг обиҳаётга бўлган эҳтиёжини тўла таъминлаш ирригация иншоотлари моддий-техника базасини мустаҳкамлашга бевосита боғлиқ. Таъкидлаш кераккки, Бухоро вилояти суғорма деҳқончилигининг гидроресурсларга бўлган эҳтиёжининг қарийб 99 фоизи Амударё ҳисобига тўғри келади. Воҳамизга сув мазкур дарё орқали Аму — Бухоро машина каналини вилоятлараро ишлатиш бошқармасига қарашли йирик насос станциялари ёрдамида бир неча босқичда 120 метр баландликка узатилган ҳолда етказиб берилади.

Мустақиллик йилларида тизим объектларини реконструкция қилиш ҳамда қайта қуришга давлат инвестициялари ва хорижий сармоялар фаол жалб этилмоқда. Натижада Қоровулбозор ҳамда Қуйимозор насос станцияларида жисмонан ва маънан эскириб, хизмат муддатини ўтаб бўлган сузувчи насос станциялари ўрнига энергия тежамкор янги насос станциялари қурилди. Бу эса вилоятнинг қатор туманлари экинзорлари сув таъминотини бутунлай яхшилаш имконини яратди.

Таъкидлаш керак, Президентимизнинг 2015 йил 25 августдаги қарори билан тасдиқланган Аму — Бухоро ирригация тизимини қайта тиклаш ислоҳ қилиш, илмий асосларда модернизациялаш чоралари кўрилди, экологик вазиятни юмшатиш мақсадида фаол иш олиб борилди.

Қишлоқ хўжалигини тубдан янгилаш, соҳага демократик бозор муносабатларини кенг жорий этиш, замонавий илм-фан ютуқларини фаол қўллаш мақсадида манзилли дастурлар ҳаётга татбиқ қилина бошланди. Чунончи, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сизот сувлар сатҳини пасайтириш, ернинг шўрланиш даражасини камайтириш, гидроиншоотларни модернизациялаш бўйича изчил чора-тадбирлар кўрилди.

Бугунги кунда Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси, “Ўзмелиомашлизинг” лизинг компанияси, элликка яқин давлат унитар корхонаси сув хўжалиги ишларини бажармоқда. Гидромелиоратив тизимлар, коллектор зовур ва суғориш тармоқларини таъмирлаш, техник ҳолатини яхшилаш, тежамкор суғориш технологияларини жорий этиш тадбирлари амалга оширилмоқда. Бу тупроқ унумдорлигини янада яхшилаш, шўрланиш жараёнининг олдини олишда муҳим омил бўлаётир.

лойиҳаси Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари экин майдонлари сув таъминотини янада яхшилашда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Ушбу лойиҳа ижросига жами 400 миллион АҚШ долларидан зиёд маблағ сарфланиши кўзда тутилган. Мазкур лойиҳа 40 — 50 йилдан буён ишлаб келаётган паст унумли насос агрегатларини иқтисодий самарадорлиги юқори бўлган замонавий ускуналарга алмаштириш тадбирларини ўз ичига олган. Ана шундай йирик кўламдаги лойиҳаларни қисқа муддатларда амалга ошириш мумкинлигини мустақилликдан олдин тасаввур қилиб бўлармиди? Фақат барқарор ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларига эга мамлакатгина бунга қодир. Ўзбекистон эса ана шундай давлат сифатида ўзини ҳар томонлама намоён этмоқда.

Ушбу йўналишда амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар давлатимизнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини юксалтириш, экологик тизим барқарорлигига эришиш, келажак авлоднинг табиат неъматларидан баҳраманд бўлиши учун мустаҳкам замин яратаяпти.

**Раззоқ ОСТАНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, Аму — Бухоро машина каналини вилоятлараро ишлатиш бошқармаси бошлиғи.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2016 йил 9 августдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 2263,07 | 100 Ливан фунти | 197,66 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 3892,34 | 1 Малайзия ринггити | 736,19 |
| 1 Дания кронаси | 444,08 | 1 Норвегия кронаси | 350,19 |
| 1 БАА дирҳами | 809,83 | 1 Польша злотийси | 771,64 |
| 1 АҚШ доллари | 2974,20 | 1 Сингапур доллари | 2207,69 |
| 1 Миср фунти | 334,94 | 1 СДР | 4155,73 |
| 1 Исландия кронаси | 24,82 | 1 Туркия лираси | 993,09 |
| 1 Канада доллари | 2259,34 | 1 Швеция кронаси | 347,66 |
| 1 Хитой юани | 446,77 | 1 Швейцария франки | 3037,07 |
| 1 Кувайт динори | 9861,41 | 1 евро | 3324,04 |
| 1 Россия рубли | 45,36 | 10 Жанубий Корея вони | 26,74 |
| 1 Украина гривнаси | 119,90 | 10 Япония иенаси | 291,67 |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

Андижон томонларда

# Гидроиншоот ишга тушди

*Улуғнор туманидаги “Дўстлик” насос станциясини обиҳаёт билан таъминловчи янги канал фойдаланишга топширилди. Мазкур гидроиншоотнинг узунлиги 7 километрга тенг бўлиб, унинг қурилишига 3 миллиард 640 миллион сўм сарфланди.*

— Туманимиз ерлари, асосан, Қорадарё ҳамда Норин дарёлари орқали суғорилади, — дейди лойиҳа ижрочиси — “Хоқонавтоинвест” МЧЖ раҳбари Отабек Мадазимов. — Бироқ ёз фаслида ушбу ҳавзалар сатҳи пасайиб кетгач, сув таъминотида бир оз қийинчилик юзага келарди. Янги канал барпо этилгач, ҳудуддаги 2500 гектар экин майдонига узлуксиз равишда обиҳаёт етказиб бериш имконияти яратилди. Бу эса келгусида ҳосилдорликни бир неча баробар ошириш ҳамда аҳоли фаровонлигини таъминлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

# Лойиҳа ва амалиёт

Хўжаобод туманида “Навигул агроэкспорт” агрофирмаси ташкил этилиши вилоятда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ва экспорт қилиш имкониятини янада кенгайтирди.

— Мазкур тадбиркорлик субъекти “Навигул” қўшма корхонаси таъсисчилигида ташкил қилинди, — дейди агрофирма раҳбари Азизбек Юнусов. — Фермерлар билан тузилган шартномага биноан, 40 минг тоннагача замин неъматлари қайта ишланади.

1 миллион АҚШ доллари қийматидаги ускуналар билан жиҳозланган ушбу корхонада айни пайтда консервалаш ишлари олиб борилаяпти. Тез кунларда бу ерда мева-сабзавотларни қуритиш ҳам йўлга қўйилади.

**Саминжон ҲУСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Хусусийлаштириш дастури

иқтисодий имкониятларни кенгайтириш баробарида, бандлик масаласини ҳал этишга ҳам хизмат қилмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Қувонарлиси, ҳозирги пайтда давлат мулкини сотиб олишга истак билдирган барча тадбиркор учун тенг имкониятлар яратилган. Бунда, албатта, Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли эканлиги, бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган иқтисодиёт негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этиши, барча мулк шаклининг тенг ҳуқуқлилиги ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан баравар муҳофаза қилиниши каби кафолатлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўтган йилларда бу борада эришилган натижаларнинг яна бир алоҳида жиҳати, бу — хусусий мулкнинг бошқа мулк шакллари каби давлат ҳимоясига олиниб, унинг ҳар томонлама мустаҳкамланиши учун барча шарт-шароит яратилганидир.

Умуман олганда, хусусийлаштириш масаласи давлат иқтисодий сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб, мазкур соҳадаги норматив-ҳуқуқий базани мунтазам равишда такомиллаштиришга, тўпланган амалий тажрибани бойитишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бунда Президентимизнинг 2014-2015 йиллар давомида соҳага оид қабул қилинган бир қатор қарорлари катта аҳамиятга эга бўлди. Ушбу ҳужжатларда бўш турган 2000 дан ортиқ давлат мулки объектидан самарали фойдаланиш чоралари кўрилиши белгиланган.

Бундан ташқари, давлат активларини хусусийлаштиришда нархни пасайтиришнинг янги механизмлари татбиқ этила бошланди. Жумладан, улар баҳосини 50 фоизгача, ойига 10 фоиздан пасайтириш механизми жорий этилди.

Айтиш жоизки, тадбиркорлик субъектларининг хусусийлаштириш дастурларига киритилган давлат корхона ва объектларини сотиб олишга қизиқиши тобора кучаймоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири, бу инвестор учун яратилган турли имтиёзлардир. Мисол учун, айрим давлат мулкидан ижара асосида фойдаланаётган ҳамда ўз мажбуриятларини талаб даражасида бажараётган тадбиркорларга мазкур мулкни сотиб олишда устунлик ҳуқуқлари берилган. Ушбу қулайликлар ва енгилликлар хусусийлаштириш дастурлари ижросини таъминлаш ҳамда кўзланган мақсад ва вазифаларни ҳал этишда ўз самарасини бермоқда.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

*Агар 2010 — 2013 йилларда ўртача йиллик хусусийлаштирилган давлат активлари сони 100 тани ташкил қилган бўлса, 2014 йилда мазкур кўрсаткич 288 тани, 2015 йилда эса 848 тани ташкил этди. Жумладан, 2015 йилда 570 та давлат мулки объекти тадбиркорлик субъектларига инвестициявий ҳамда ижтимоий мажбуриятлар эвазига “ноль” харид қийматида берилди. Жами тузилган олди-сотди шартномалари бўйича олинган инвестициявий мажбуриятлар 1,1 трлн. сўм ва 49,3 млн. АҚШ долларини, яратиладиган иш ўринлари сони 23 мингтадан зиёдни ташкил қилди.*

Бугунги кунда хусусийлаштиришдан кўзланган асосий мақсадимиз корхоналарда модернизациялаш жараёнларини жадаллаштириш, янги технологияларни жорий этиш, корпоратив бошқарув ҳамда менежментнинг замонавий усулларини жорий этиш асносида янги турдаги рақобатдош, энг муҳими, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилишини таъминлашдир.

Бу борада қатор ютуқларга эришилаяпти. Айтиш жоизки, хусусийлаштирилган объектлар негизида ташкил қилинган корхоналарда жаҳон стандартларига мувофиқ, ташқи бозорларда рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Масалан, Хоразм вилоятининг Боғот туманидаги қурилиши тугалланмаган тўқимачилик фабрикаси негизида иш бошлаган “Хоразмтекс” МЧЖга инвестор томонидан жами 11,5 млрд. сўмлик сармоя киритилиб, 200 дан зиёд янги иш ўринлари барпо этилди. Бу ерда пахта хом ашёси қайта ишланиб, тайёрланаётган калава ипнинг 50 фоизидан ортиқ қисми экспортга йўналтирилгани диққатга сазовордир.

Бугунги кунда хусусийлаштириш жараёнининг яна бир эътиборли жиҳати давлат ва хўжалик бошқаруви органларига тегишли улушларнинг оммавий савдоларга қўйилиши ҳамда уларга чет эллик сармоядорларнинг жалб этилишидир.

Бу борада бир қатор тадбирлар ўтказиб келинмоқда. 2015 йилнинг ноябрь ойида Тошкент шаҳрида ташкил қилинган Халқаро инвестиция форуми ҳамда 2016 йилнинг апрель ойида Жанубий Кореянинг Сеул шаҳрида ўтказилган, мамлакатимиздаги қулай бизнес муҳити ва инвестиция киритиш имкониятларини кенг тарғиб этишга қаратилган халқаро инвестиция форуми шулар жумласидандир. Натижада бир қатор акция пакетлари ҳамда улушлари хорижий инвесторларга сотилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бўш турган давлат объектларини хусусийлаштириш билан ҳамоҳанг тарзда акциядорлик жамиятлари ҳамда корхоналарга хорижий инвесторларни жалб қилиш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар 2014-2015 йилларда давлатнинг иқтисодиётдаги иштироки иқтисодий асосланган даражада бўлиши ва хусусий мулкдорлар ҳиссасининг кўпайишига қулай замин ҳозирлади.

Хусусийлаштириш жараёнининг янада самарали кечиши учун қулай шарт-шароит ҳамда имтиёзлар яратилган. Зеро, бугун мамлакатимизда хусусий мулкнинг дахлсизлиги ҳамда хусусийлаштириш натижалари қайта кўриб чиқилмаслиги каби масалалар қонун билан кафолатланган.

Буларнинг барчаси давлатимизда амалга оширилаётган чуқур таркибий ўзгаришлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, хусусий мулкнинг қонуний, меъёрий-ҳуқуқий ҳамда амалий жиҳатдан устувор ролини таъминлаш, иқтисодиётда давлат иштирокини босқичма-босқич камайтиришга қаратилганлигининг яққол ифодасидир.

**Азизжон ҚАҲҲОРОВ,**
**Давлат рақобат қўмитаси бош мутахассиси.**

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*АҚШ Меҳнат вазирлиги маълумотига кўра, мамлакатда июль ойида 255 мингта янги иш ўрни яратилди, Бу ҳақда “Евроньюс” телеканали хабар тарқатди.*

## Тахмин тасдиғини топмади



Бу аввалроқ экспертлар тахмин қилган кўрсаткичдан сезиларли даражада юқори. Масалан, “Рейтер” ахборот агентлиги ўтказган сўровда мутахассислар АҚШ иқтисодиёти ўсиши бир оз пасайиши ва бунинг натижасида иш жойлари ташкил этиш камайиши мумкинлигини билдиришган эди. Лекин амалда бу тасдиғини топмади.

Айни пайтда мазкур давлатда ишсизлик даражаси 4,9 фоизга тенг бўлиб турибди.

## Сурункали ёмғир оқибати

*Македонияда тинимсиз ёққан ёмғир сув тошқинларини келтириб чиқарди.*



Оқибатда 20 киши ҳаётдан кўз юмган, яна шунча одам бедарак йўқолган. Ёмғир билан бирга эсаётган қаттиқ шамол қидирув-қутқарув ишларини олиб боришда қийинчилик туғдирмоқда. Аксарият ҳудудларда дарахтлар қулаб тушган, электр таъминоти, транспорт воситалари қатнови издан чиққан. Юзлаб гектар экин майдонлари, тураржойлар сув остида қолган.

## Салбий ҳолат такрорланмоқда

*Жорий йилнинг олтинчи ойида Германия саноат корхоналарида буюртмалар ҳажми 0,4 фоиз пасайди.*



Мамлакат Иқтисодиёт вазирлиги вакилларининг айтишича, бундай салбий ҳолат охирги уч ой ичида иккинчи марта такрорланаяпти.

Талабнинг камайиши, асосан, ташқи бозор билан боғлиқ бўлиб, экспертларнинг фикрича, бу вақтинчалик ҳолат. Саноат маҳсулотларига ички талаб эса, аксинча, 0,7 фоиз ортган.

## Нефть нархи кўтарилди

*Жаҳон бозорларида нефть нархи бир оз кўтарилди, дея хабар тарқатди “Ассошиэйтед пресс” ахборот агентлиги.*



Хусусан, Лондон биржасида ўтказилган сўнгги савдолар чоғида “Brent” типидаги “қора олтин”нинг бир баррели 0,38 фоиз ошиб, 44,44 АҚШ долларидан сотилган. Нью-Йорк хом ашё биржасида эса “WTI” маркали нефть учун 41,97 АҚШ долларидан фьючерс шартномалари тузилган.

## Кутилмаган совуқ таъсири



*Ўтган ҳафта Италиянинг Маттерхорн тоғларида хорижлик икки нафар альпинист бедарак йўқолганди.*

Куни кеча уларнинг жасади тўрт километр баландликдан топилди. Буюк британиялик бу икки фуқаронинг ўлимига август ойидаги кутилмаган совуқ сабаб бўлган.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

ЭЪЛОНЛАР

**«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

Аукцион савдосига «O‘zbekiston Respublikasi Tovar-xom ashyo birjasi» АЖнинг 2016 йил 3 августдаги 05-17/2818-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Байтқўрғон» ҚФЙ, «Текстильмашевец» БУШ, 31-«А», 31-«Б» уйларда жойлашган, ер майдони 0,1284 гектар бўлган, ҳожатхона, ҳовуз, хизматчи бино, бостирма, қозонхонадан иборат 2 қаватли тураржой такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 540 365 562 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 29 август куни соат 12.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 26 август куни соат 18.00.

Кўчмас мулк 2016 йил 29 август куни сотилмай қолган тақдирда, такрорий савдолар 2016 йил 14, 30 сентябрь, 17 октябрь ва 2 ноябрь кунлари соат 12.00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 14 сентябрдаги савдо учун — 12 сентябрь куни, 30 сентябрдаги савдо учун — 28 сентябрь куни, 17 октябрдаги савдо учун — 14 октябрь куни, 2 ноябрдаги савдо учун — 31 октябрь куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан бирга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакил аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси;

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, аукционда ваколатли вакил қатнашган тақдирда, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси.

Аукцион савдоси ғолибига 10 (ўн) банк иш куни мобайнида сотувчи билан нотариал тартибда олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Мулкнинг тўлиқ тўловини амалга ошириш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг АТИБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги МФО: 01036, СТИР: 207122519, 20208000904920609114 ҳисоб рақамига савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт.

**Аукцион ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Тел./факс: (0-371) 228-80-23. www.1kms.uz Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz**

Хизматлар лицензияланган.

1189R/180

**«EFFECT REAL GROUP» МЧЖ**

**очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

2016 йил 7 сентябрь куни соат 11.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига Суд департаменти Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасининг 2016 йил 28 июлдаги 4907/2-сонли хатига кўра, ЖИБ Фарғона шаҳар судининг 2014 йил 28 апрелдаги 1-191-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Марғилон шаҳри, «Мустақиллик» МФЙ, Холматова кўчасида жойлашган савдо ярмаркаси нотурар бино-иншоотлари арзонлаштирилган нархда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 656 626 500 сўм.***

Талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва 2016 йил 5 сентябрь куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Мазкур кўчмас мулк билан Марғилон шаҳар СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси — «Effect real group» МЧЖнинг АТ «Савдогарбанк» Фарғона вилояти бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000704943278001, МФО: 00500, СТИР: 302128329.

**Манзил: Фарғона шаҳри, Аҳмад Фарғоний кўчаси, 43-уй, 22-хона. Телефонлар: (+99895) 404-54-84, (+99890) 272-84-31.**

Хизматлар лицензияланган.

1188A/538

**«YASMIN GOLD AUTO» МЧЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2016 йил 28 июндаги 10-1520/14231-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳар Сергели тумани суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, Сергели тумани, Қурувчилар даҳаси, 11-мавзе, 48-уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

* 2014 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/110 BDA бўлган, «Cobalt» русумли. ***Бошланғич баҳоси — 45 000 000 сўм.***
* 2014 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/370 BDA бўлган, «Cobalt» русумли. ***Бошланғич баҳоси — 45 000 000 сўм.***
* 2014 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/649 BDA бўлган, «Spark» русумли. ***Бошланғич баҳоси — 34 000 000 сўм.***
* 2011 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/665 BDA бўлган, «Captiva-2» русумли. ***Бошланғич баҳоси — 80 000 000 сўм.***

Ушбу автотранспорт воситаларига қизиқиш билдирган талабгорлар уларнинг ҳолати билан бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш иш кунлари мазкур эълон чоп этилган санадан бошланади ва савдо кунидан 1 (бир) кун аввал соат 17.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар закалат пули тўғрисидаги келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини «Yasmin gold auto» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк»даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000100620328001, МФО: 00974, СТИР: 303959694.

Талабгорлар савдо ташкилотчисига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак:

* юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, шунингдек, савдода ваколатли вакил қатнашса, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
* жисмоний шахслар — паспорт (истиқомат гувоҳномаси) нусхаси, савдода ваколатли вакил қатнашган тақдирда, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
* эълонда кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат пули ўтказилганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси.

Қўшимча хизматлар учун тўлов олинади.

Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган санадан бошлаб 5 (беш) банк куни мобайнида мулк учун тўловни тўлиқ амалга ошириши лозим.

**Аукцион савдоси 2016 йил 8 сентябрь куни соат 11.00 да бошланади ва Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Толимаржон кўчаси, 2-уйда бўлиб ўтади. Мурожаат учун телефон: (+99897) 709-93-40. Электрон почта: yasminauto@mail.ru**

Гувоҳнома № 008311.

1187R/260

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси Қўмита аъзоси Н. Мухторовга онаси

**ИНОБАТХОН аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Девони жамоаси масъул ходим А. Саидовга отаси

**АЗИМЖОН отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

“Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари жамоаси таҳририят ходими Ирина Якуповага онаси

**Валентина Анатольевна СЕРИХнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# ИСТЕЪДОД, МАҲОРАТ ВА ШИЖОАТ



борасида ҳеч кимдан кам бўлмаган спортчиларимиз шарафига XXXI ёзги Олимпия ўйинларининг дастлабки кунлари Ўзбекистон байроғи икки бор баланд кўтарилди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Анъанага мувофиқ, майдонга тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақасида қатнашаётган давлатлар терма жамоалари бирма-бир чиқиб кела бошлади... Ниҳоят Ўзбекистон спорт делегацияси аъзолари ташриф буюрди. Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғини машҳур спортчимиз — бокс бўйича жаҳон чемпионати совриндори Баҳодир Жалолов стадионга олиб кирди. Мухлислар ҳамюртларимизни олқишлар билан кутиб олди... Бу онларни жуда кўпчилик бевосита телевидение ва интернет орқали кузатди. Очиғи, мана шундай пайтларда она-Ватанга бўлган меҳр-муҳаббатинг бошқача жўшиб кетади, беихтиёр истиқлол берган имкониятларни янада теранроқ ҳис қиласан. Бинобарин, “Ҳеч бир нарса мамлакатни спорт каби дунёга тезда машҳур қила олмайди”, деган фикрнинг ҳам нечоғли асосли эканига яна бир карра амин бўласан.



Энди бевосита дзюдочиларимиз муваффақияти ҳақида. Айтиш жоизки, мамлакатимиз спортчилари шу вақтга қадар Олимпия ўйинлари бошланиши билан кетма-кет икки кун ичида совринли ўринларни банд этишмаган. Бу галгиси шу жиҳати билан ҳам яна бир ўзига хос воқеа саналади.

Делегациямиз ҳисобига илк медални дзюдо бўйича вазни 60 килограммгача бўлган спортчилар баҳсида қатнашган Диёрбек Ўрозбоев келтирди. У австралиялик Жошуа Катц, швейцариялик Людовик Чаммартин, бразилиялик Фелипе Китадаи ва грузиялик Амиран Папинашвилини енгиб, бронза медалга сазовор бўлди.

— Биринчилардан бўлиб баҳсларга киришиш жудаям масъулиятлидир, — дейди Диёрбек Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси расмий сайтига берган интервьюсида. — Мен бунга ҳам жисмонан, ҳам руҳан тайёр эдим. Биз, спортчиларга ушбу нуфузли мусобақада қатнашишимиз учун давлатимиз томонидан барча шарт-шароит яратиб берилди. Ана шундан унумли фойдаланиб, совриндор бўлганимдан жудаям бахтиёрман. Одатда, спортчилар бундай ғалабаларини бирор-бир сана ёхуд яқинларига бағишлайдилар. Мен ёзги Олимпия ўйинларидаги биринчи медалимни мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишлайман. Бу барчамизнинг ютуғимиздир.

Вазни 66 килограммгача бўлган полвонлар беллашувида дзюдо бўйича икки карра жаҳон чемпиони, Пекин ва Лондон Олимпиадалари совриндори Ришод Собиров ҳам бронза медални қўлга киритди. У беларуслик Дмитрий Шершан, арубалик Жейм Мата, Доминикан Республикаси вакили Уандер Матео ва словениялик Адриан Гомбоцни мағлубиятга учратди.

Ишончимиз комилки, полвонларимизнинг ушбу муваффақияти XXXI ёзги Олимпия ўйинларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилаётган бошқа спортчиларимизни ҳам ғалабалар сари руҳлантиради.

* * *

“Рио — 2016” ўйинларида қатнашаётган боксчиларимиз ҳам нуфузли мусобақани муваффақиятли бошлади.

Жумладан, тажрибали спортчимиз Хуршид Тожибоев вазни 60 килограммгача бўлган чарм қўлқоп усталари ўртасидаги дастлабки баҳсни қатарлик Ҳакан Эрескерга қарши ўтказиб, ғалаба қозонди. Энди у чорак финал йўлланмаси учун кечадиган беллашувда Буюк Британия вакили Жозеф Кордина билан курашади.

Вазни 69 килограммгача бўлган боксчилар ўртасида Шаҳрам Ғиёсов ҳам илк баҳсни ишончли якунлади. Ҳамюртимиз испаниялик Йоуба Ндьяе Сиссокони енгди.

**Шавкат ОРТИҚОВ.**

# Қуёшдан қувват олади

Гулистон давлат университетининг физика-математика факультети талабаси Улуғбек Примқулов қуёш нури ёрдамида сув иситадиган истиқболли лойиҳани амалга оширди.

**ИЗЛАНИШ**

— Мамлакатимиз ҳудуди энг серқуёш минтақалар сирасидан эканлиги муқобил энергия соҳасини ривожлантиришга кенг имкониятлар беради, — дейди у. — Масалан, мен ясаган ускуна ҳам айнан қуёш нури воситасида иссиқлик пайдо қилишга асосланган. Унинг тузилиши жуда оддий. Яъни барча тарафи ойнадан иборат қутининг орқа ҳамда таг қисмига кўзгу ўрнатилади. Унинг ўртасига эса сув тўлдирилган идиш қўйилади. Бунда идишнинг ранги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Яъни қуёш нурини ютиш даражаси юқорилиги ҳисобга олингани ҳолда, қора рангдаги идишдан фойдаланилади. Шунингдек, қутининг ойнавандлиги унинг ичидаги иссиқликни йўқотмасликка хизмат қилса, кўзгулар қуёшдан келаётган нурни янада кучайтириб, идишдаги сувга йўналтиради. Тажрибадан маълумки, мазкур усул воситасида сувни бемалол 70 — 75 даражагача иситиш мумкин.

Улуғбек яқинда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасида устози Шавқи Ниёзов раҳбарлигида маҳаллий хом ашёдан ясалган ясси нов шаклидаги сув иситкич ускунаси билан қатнашди. Ўтган йили эса Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги қуёш ўчоғининг ишлаш принципини атрофлича ўрганиб келди. Шу билан бирга, бу ерда гелиотехника, яъни қуёш энергиясидан фойдаланиш технологиялари бўйича таниқли профессор-ўқитувчилардан илмий-амалий сабоқ олиш имкониятига ҳам эга бўлди. Бинобарин, у келажакда айнан мазкур соҳада етук мутахассис бўлиш ҳамда илмий изланишлар олиб боришни ва юқори самарали ишланмалар, инновацион лойиҳалар яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

— Таълим масканимизда изланувчан, интилувчан, иқтидорли ёшлар талайгина, — дейди университетнинг илмий ишлар бўйича проректори Амалиддин Сулаймонов. — Хусусан, улар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, ахборот технологиялари, кимё, биология каби йўналишларда илмий изланишларни давом эттиришмоқда. Айни чоғда ёш олимларимиз университетимиз ҳузуридаги минтақавий тадқиқотлар маркази ишида ҳам фаол қатнашаяпти.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

**Хабар**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2016 ЙИЛ 30 ИЮЛДАН 5 АВГУСТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ ХАБАР ҚИЛАДИ.

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2016 йил 8 июлдаги 45-1, 01/09-26/39-1-сон «Хўжалик жамиятлари устав жамғармасидаги давлат акциялари пакетлари (улушлари)ни бошқариш бўйича фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қарори.

**2016 йил 1 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1473-2 (2016 йил 8 августдан кучга кирди).**

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази бош директорининг 2016 йил 26 июлдаги 2016-09-сон «Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи.

**2016 йил 2 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2000-5 (2016 йил 8 августдан кучга кирди).**

3. Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг 2016 йил 29 июлдаги 670-сон «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 50-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

**2016 йил 2 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2658-1 (2017 йил 1 январдан кучга киради).**

4. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлигининг 2016 йил 12 июлдаги 7-мҳ, 52-сон «Умумий ўрта таълим муассасаларининг узайтирилган кун гуруҳларида болалар таъминоти учун ота-оналар тўловини ундириш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

**2016 йил 3 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2820 (2016 йил 8 августдан кучга кирди).**

5. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси, Миллий хавфсизлик хизматининг 2016 йил 28 июлдаги 37, 65-сон «Ўзбекистон Республикасининг фуқаро авиациясида радио, телеаппаратура, аудио ва видео техника, компьютер, планшет ва мобиль телефонларни авиация хавфсизлиги бўйича текшириш қоидаларининг муқаддимасига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори.

**2016 йил 3 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2617-1 (2016 йил 8 августдан кучга кирди).**

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директорининг 2016 йил 2 августдаги 01-264-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг бакалавриатига талабаларни қабул қилишда тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

**2016 йил 3 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2242-2 (2017 йил 1 январдан кучга киради).**

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директорининг 2016 йил 3 августдаги 01-266-сон «Тошкент давлат юридик университети магистратурасига қабул қилишда тест синовларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

**2016 йил 4 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2490-1 (2016 йил 8 августдан кучга кирди).**

**II. Бекор қилинди ва ижродан чақириб олинди:**

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2010 йил 31 майдаги 161-сон «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги даволаш-профилактика муассасаларида аҳолига пуллик тиббий хизмат кўрсатиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

**Ушбу ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг тақдимномаси асосида давлат рўйхатидан ўтказилмаган ва қонун ҳужжатларига зид ҳужжат сифатида бекор қилинди ва ижродан чақириб олинди.**

# Муолажанинг замонавий усули

Қўқон шаҳар тиббиёт бирлашмасида сурункали буйрак етишмовчилиги хасталигини самарали даволаш йўлга қўйилди.

**САЛОМАТЛИК**

Бу имконият 200 миллион сўм маблағ эвазига гемодиализ зали ишга туширилиши туфайли юзага келди.

— Германиянинг “Fresenius Medical Care” фирмасида ишлаб чиқарилган ноёб ускуна бир пайтнинг ўзида 5 нафар беморга тиббий хизмат кўрсата олади, — дейди муассаса шифокори Ғайратжон Маматқулов. — Ҳозир дастлабки муолажаларни бошлаб юборганмиз. Муҳими, бу ҳудуд аҳолиси саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

**Элёржон ЭҲСОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОН







Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 867. 76 092 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.40 Топширилди — 21.35 1 2 3 4 5 6